

**"ТАСАВВУФ - БОРИ АХЛОҚДУР..."****Акрамжанов Нурмуҳаммад***Манбалар асосида Тошкент давлат Шарқшунослик университети**Тасаввуф герменевтикаси кафедраси 1-босқич магистранти*

Тасаввуф инсониятни руҳий-маънавий покланишга даъват этувчи ғоялар сўлсиласи ўлароқ пайдо бўлиб, унинг намояндалари узок, асрлардан бери инсоният тамаддунига муносиб ҳисса кўшиб келмоқдалар. Кўплаб олим ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларини тасаввуф оламига дахлдор санаганлар, унинг покликка даъват этувчи ғояларини ўз илмий-бадий фаолиятлари, халқ турмуш тарзига татбиқ этиш йўлида саъй этганлар. Бинобарин, буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига муҳташам мақбара тиклаганликлари, ўз эзгу интилишларида машҳур тариқат пешволари Саййид Амир Кулол, Саййид Умар ҳамда Саййид Барака маслаҳатларига амал қилганликлари тарихдан яхши маълум.

Ҳатто туркий адабиётнинг илк намуналари бўлмиш Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") ҳамда Аҳмад Югнакийнинг "Ҳиббат ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар армуғони") асарларида ҳам тасаввуф масалаларидан баҳс этилганлиги инобатга олинса, туркий элатлар ғоят қадим даврлардан бери тасаввуфнинг ахлоқий-маърифий имкониятларидан жамият тараққиёти йўлида фойдаланиб келаётганлиги аёнлашади.

Тасаввуф йўлида риёзат чеккан буюк шайхларнинг ислом дунёсидаги нуфуси беадад бўлиб, шулардан ўн мингга яқини Туронзаминда туғилиб, вояга етган. Улар яратган таълимот ва илгари сурган ахлоқий-ирфоний, маънавий-маърифий ғоялар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Шу билан бирга, барча замонларда тасаввуфни ва унинг ички тармоқлари сифатида тараққий этган турфа тариқатларни "воситаи жоҳ", яъни тирикчилик манфаатлари воситасига айлантирган сохта "тасаввуфчи"лар ҳам топилиб турган. Бу эса ўзини ҳақиқий маънода тасаввуф вакили санаган ва унинг талабларига бўйсунганини бурч билган кишилар ва, аксинча, тасаввуфни шахсий манфаатлар воситасига айлантирган кимсалар ўртасидаги ғоявий ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Мовароуннаҳр заминида вояга етган етук аллома Абу Бакр Исҳоқ Калободий(ваф. 991 й.)нинг "Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф" ("Тасаввуф йўлини таништириш") асари ана шундай ихтилофлар тасаввуфга ҳам, одатий диний урф-одат ва амалларга ҳам хатар солган бир шароитда яратилган ва асар муаллифининг диний-тасаввуфий бағрикенглик ғоялари тарғибига йўналтирилган фикрлари мазкур масалага оид кўплаб муаммоларга ойдинлик киритишга хизмат қилган эди. Имомлар хожаси, буюк фақиҳ Абу Иброҳим Мустамлий Бухорий (ваф. 1043 й.) нинг "Ат-Таъарруф"ни "Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф" ("Тасаввуф йўлини таништиришнинг шарҳи") номи билан шарҳлашдан кўзлаган мақсади ҳам халқни

тасаввуф асроридан воқиф этиш, турли ақида ва хурофотларга чек қўйиш, шу тариқа шариат ва тариқат ўртасида пайдо бўлган сунъий ғовларни йўққа чиқариш эди.

Буюк мутакаллим, "ақидани тузатувчи" унвони билан машхур Абу Мансур Мотуридийнинг "Китоби тавҳид" асари ҳам аслида ана шу жабҳадаги ихтилофларга чек қўйиш зарурати ту файл и яратилган бўлиб, халқни ўз замонасида авж олган бидъат-хурофотлардан халос этиш бу улуғ зотнинг ҳам эзгу орзуси эди.

Кейинчалик бу масалаларга нафақат шариат ва тариқатнинг назарий масалалари билан шуғулланган олимлар, балки тасаввуф амалиётига дахлдор, маълум тариқат шайхи сардори ёхуд вакили сифатида фаолият юритган шайхлар ҳам мурожаат қиладиган бўлдилар. Қайд этиш жоизки, бундай мурожаатлардан кўзланган мақсад ўзи мансуб тариқат ғояларини ҳимоя этишдангина иборат бўлмаган. Аксинча, улар ақидапарастлик, хурофий қарашлар туфайли шариат ҳам, тариқат ҳам бирдек зарар кўришини яхши билганлар. Шу боис катта-кичик асарларида илоҳ маърифатини англаш, шариатдан тариқатга ўтиш асрори, олим ва омил бўлиш, риё ва таъмадан йироқ туриш каби муҳим ижтимоий-маърифий масалаларга дахл қилганлар. Бинобарин, Фаридуддин Атторнинг "Мантик ут-тайр", "Илоҳийнома", "Асрорнома" манзумаларида, Жалолоддин Румийнинг олти китобдан иборат машхур "Маснавийи маънавий"сида ҳам мазҳаблараро ихтилофлар масаласига такрор-такрор эътибор қаратилганлигини, бидъат ва хурофот жамиятга ҳам, динга ҳам зарар келтирувчи мислсиз офат ўлароқ талқин этилганлигини кўриш мумкин.

Бу жаҳоншумул ва умумбашарий ғоялар Туронзамин машойихи дунёқарашини ҳам четлаб ўтмади. Зотан, бу ҳудудга мансуб манзилгоҳларда ҳам тасаввуф маданият ривожининг узвий қисми сифатида тараққиёт босқичига кирган, унинг тараққийсига тўсиқ бўладиган ёт кучлар жунбуши аҳён-аҳён кўзга ташланиб қолар эди. Ана шундай бир шароитда маърифат майдонига чиққан "Туркистон аҳлининг шайх ул-машойихи", "Султон ул-орифин" Хожа Аҳмад Яссавий "Тариқатга шариатсиз кирганларнинг Шайтон келиб имонини олар эрмиш" дея дадил фикр айтди ҳамда ўз муридлари, аҳли илм фаолиятида шариат ва тариқатнинг уйғун тарзда такомилга етишига алоҳида эътибор қаратди. Хожа Аҳмад ўзи асос солган йўл моҳиятини қуйидагича умумлаштиради: "Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема, Киши молини ема..."

Шариат ва тариқатни узвий алоқадорликда тараққий эттириш, жамиятни турли фикрий офатлардан йироқ сақлашда хожагон тариқатининг Мовароуннаҳрдаги асосчиси ва сардори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Буюк Хожа "Васиятнома" китобларида шундай таъкидлайдилар: "Эй ўғлим, молинг фикр ва ҳадис бўлсин. Жоҳил сўфийлардан йироқ бўл!"

Бутун онгли фаолиятини маърифатпарварлик ва элсеварлик, ҳалоллик ва поклик, мардлик ва саховат ғоялари тарғибига сафарбар этган Хожайи Жаҳон асос солган сил сила давомчилари ҳам бу ғоялар тарғибига фаоллик кўрсатдилар. Бинобарин, тадқиқ ва талқинда ҳаддан ташқари чуқур кетиш охир-оқибат ҳалокатга олиб бориши хожагон силсиласининг тўртинчи вакили Хожа Али Ромитанийнинг "Агар ер юзида Абдулхолиқ Ғиждувоний фарзандларидан бири бўлганда эди, Мансур Ҳаллож асло

дорга осилмас эди" деган пурҳикмат фикрлари бағрида ҳам мужассамдир. Зотан, шариат ва тариқат илмларидан яхши хабардор бўлмаслик бу соҳа вакилининг камолотига тўсиқ бўлганидек, шаръий ва тасаввуфий масалаларда меъёр чегараларини бузишнинг оқибати ҳам ҳалокатлидир. Бу иллат, ўз навбатида, кишини тўғри йўлдан адаштиради, мутаассиблик гирдобига ғарқ қилади.

Бу мукаррам зот билан замондош бўлган, Хоразмда ўзига хос сулук - жавонмардлик тариқатига асос солиб, муридлар тарбияси билан шуғулланган Шайх Нажмиддин Кубро ва унинг издошлари рубойларида ҳам юқоридаги таъкид моҳиятига уйғун ғоялар тараннум этилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, жавонмардлик тариқатининг давомчиси, Шарқда номи чиққан паҳлавон ва полвонлар устози сифатида "Пурёввалий" лақабини олган Паҳлавон Маҳмуд рубойларида ҳам бошқа тариқат намояндалари асарларидаги сингари юксак ахлоқий фазилатлар - зоҳир ва ботинни фарз ва суннат неъмат билан поклаш, мардлик ва жасурлик, муҳтожларга беминнат саховат кўрсатиш, ўзи учун ҳеч нарса таъма қилмаслик, камтарлик ва адолат кабилар улуғланади.

Кўп асрлик такомиллашув жараёнини бошдан кечирган мукамал тариқат - нақшбандия Қуръон ва Суннатга таянганлиги, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг унутилиб кетган барча суннатларига амал қилишга, шариатдан узоқ бўлмасликка, фикҳ ва ҳадис илмларини мустаҳкам эгаллашга чақириши, ҳанафий мазҳаби ва мотуридия ақидасига асосланганлиги, "Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин" шиорини тарғиб қилиши, кишиларни ҳалол меҳнатга, касб-хунар билан шуғулланишга, ўз қўл меҳнати эвазига ҳалол ризқ-рўз топишга даъват этиши билан алоҳида эътибор қозонди ва қозонмоқда.

Тасаввуф пайғамбарлардан қолган улуғ меросдир. Ҳар бир пайғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зикри билан пок этиб, Унинг буйруқларини бекаму кўст бажарган ва ҳалол меҳнат ила ризқ топишни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпонлик қилганлар. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар. Бу анъаналарни муносиб давом эттирган нақшбандий шайхлар амалий фаолиятда ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан мерос суннатга садоқат бажо этганлар. Жумладан, Хожа Али Ромитаний -тўкувчи, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий - богбон, Саййид Амир Кулол -кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд - наққош, тўкувчи ва чорвадор, Саййид Амир Кулолнинг ўғли Саййид Амир Ҳамза - овчи, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор - чорвадор ва савдогар бўлишган. Бу янглиғ ижтимоий ҳаётга вобасталик асрлар давомида хожагон-нақшбандия тариқати мавқеининг ортишига, унга эргашувчи, қалбини имон маърифати, жисмини меҳнат роҳати билан озиклантириш иштиёқи ила ёнган аҳли солиқнинг кўпайишига замин яратган.